


Рамазон ойини ўтказиш учун улуғларимиздан «мастер класс»



11:30 / 02.04.2022 2784

Рамазон Қуръон ойи. Бу ойда Қуръон нозил бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Жаброил алайҳиссаломга ҳар йили Рамазон ойида Қуръонни ўқиб берардилар. Улуғларимиз бу фазилатли ойда қиладиган асосий ишларидан бири Қуръони Каримни хатм қилиш бўларди.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу шундай деганлар: «Ҳақиқий рўза таом ва еб-ичишдан тийилишгина эмас, балки у ёлғондан, ботилдан, лағвдан ва қасамдан тийилишдир».

Ибн Абу Шайба ривояти.

Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий раҳимаҳуллоҳ Рамазон ойида кундузи бир хатм, ҳар уч кунда таровеҳ намозидан кейин яна бир хатм қилар эдилар.

Саъид ибн Жубайр раҳимаҳуллоҳ ҳар икки кечада Қуръонни хатм қилардилар.

Зубайд Ёмий Рамазон ойи келса, Мусхафни олиб келар (яъни, Қуръонни тиловат қилишга астойдил киришар) ва дўстларини ҳам шу ишга жамлардилар.

Валид ибн Абдулмалик раҳимаҳуллоҳ ҳар уч кунда Қуръонни бир марта хатм қилардилар. Рамазон ойида жами ўн етти марта хатм қилишга эришардилар.

Абу Авона айтадилар: «Қатоданинг Рамазон ойида Қуръондан дарс бераётганини кўрдим».

Қатода ҳазратлари йил давомида Қуръонни ўқиб юриб, ҳар етти кунда бир марта тўлиқ ўқиб чиқардилар. Рамазон ойи келганда, ҳар уч кунда бир марта тўлиқ ўқиб чиқардилар. Рамазоннинг охириги ўн кунларида эса ҳар кеча бир марта тўлиқ ўқиб чиқардилар.

Имом Шофеийнинг шогирдларидан Рабийъ ибн Сулаймон айтади: “Шофеий Рамазон ойида Қуръонни олтмиш марта хатм қилардилар. Яъни ҳар кеча икки мартадан хатм бўларди. Рамазонда бошқа ойларда эса ҳар ой ўттиз мартадан хатм қилардилар”.

Қосим ибн Али отаси Ибн Асокир ҳақларида шундай дейди: “Отам жамоат намозини, Қуръон тиловатини қолдирмас эдилар. Одатда ҳар жума Қуръонни бир марта хатм қилардилар. Рамазонда эса ҳар куни хатм қилардилар ва (Дамашқ масжидининг) шарқий минораси (тарафи)да эътикоф ўтирардилар”.

Маълумки, Қуръонни уч кундан оз муддатда хатм қилишдан қайтарилган ривоят бор. Чунки инсон уч кундан оз муддатда хатм қилса, уни тушунмаслиги айтилган. Ибн Ражаб Ҳанбалий салафи солиҳларимизнинг уч

кундан оз муддатларда Қуръонни хатм қилишганини қуйидагича изоҳлаганлар: “Қуръонни уч кундан оз муддатда хатм қилишдан қайтарилиши доим хатм қилишни йўлга қўйишга тегишлидир. Яъни инсон умри давомида Қуръонни мунтазам хатм қилишни йўлга қўймоқчи бўлса, уч кундан оз муддатда хатм қилмайди. Аммо Рамазон ойи каби фазилатли вақтлар, Қадр кечаси каби улуғ кечаларда, Макка каби фазилатли шаҳарларга кирганда ушбу вақт ва жойларни ғанимат билиб, Қуръонни кўпроқ тиловат қилиш мустаҳабдир. Бу имом Аҳмад, Исҳоқ ва улардан бошқа имомларнинг сўзларидир”.

Ибн Ражаб айтадилар: “Имом Шофеий розияллоҳу анҳу “Мен бирор кишининг Рамазон ойида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиб саховатни кўпайтиришини яхши кўраман. Одамларнинг бунга ҳожати ҳам бўлади. Чунки улар касб қилишдан кўра рўза, намоз каби ибодатлар билан кўпроқ машғул бўладилар”.

Ибн Умар розияллоҳу анҳу рўза тутиб, ифторни мискинлар билан бирга қилардилар. Масжидга бориб (Шомни) ўқиб, кейин уйларига бир гуруҳ мискинлар билан қайтардилар.

Юнус ибн Язид айтади: “Ибн Шиҳоб Зухрий Рамазон ойи кирса, “Бу ой Қуръон тиловати ва таом улашиш ойдир” дердилар”.

Ҳаммод ибн Сулаймон раҳимаҳуллоҳ Рамазон ойида беш юз кишига ифторлик қилиб берардилар. У киши уларнинг ҳар кунлик ифторини қилиб беришни ўз зиммаларига олгандилар. Рамазон ҳайити намозидан сўнг уларнинг ҳар бирига юз дирҳамдан ҳадя берардилар.

Аллоҳ таоло барчамизга улуғларимиздан ибрат олишимизни ва Рамазон ойи баракотидан тўлиқ фойдаланишимизни насиб этсин! Омин.

Нозимжон Ҳошимжон